

Date: 29<sup>th</sup> May-2026

## АФШОНАДАН ЧИҚҚАН АФСОНА

Ғаниева Раъно Файзуллаевна  
Самарканд вилояти Пахтачи тумани  
22-мактаб тарих фани ўқитувчиси

**Аннотация.** Мақолада Ўрта Осиёлик буюк мутафаккир, Ғарбда Авиценна номи билан машҳур бўлган Абу Али ибн Сино ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Инсон соғлиғини яхшилаш учун технология асри келмасидан ўзининг олтинга тенг шифо маслаҳатларини ўз китобларида жамлаган ажоддимизни бугунги кундаги ўрни. Унинг қуйида келтирилган таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумот шогирди томонидан ёзилган маълумотлардан фойдаланилган.

**Калит сўзлар.** Афсона, “Тиб қонунлари”, “Китоб аш-шифо”, “Ал-Мажму”, Нух ибн Мансур.

## ЛЕГЕНДА ИЗ АФШОНЫ

**Аннотация.** В статье исследуется информация о великом предке Абу Али ибн Сина, который был известен именем Авиценна на Западе. Несмотря на отсутствие технологии, он смог найти способы излечения многих болезней, грозящие человечеству. Информация о великом учёном взята из слов и рукописей одного из его учеников.

**Ключевые слова:** Афшана, “Тиб қонунлари”, “Китоб аш-шифо”, “Ал-Мажму”, Нух ибн Мансур.

## LEGEND BROUGHT IN AFSHANA

**Annotation.** This article is going to give useful and interesting pieces of information about Abu Ali ibn Sina, once famous as “Avicenna” in the West. Despite of the lack of technology, he managed to cure many diseases and collected them in one book named “Tib qonunlari” ( The basis of medicine”) which is highly appreciated by the humanity today. The information supposed to be given below is based on Sina’s apprentice’s words and handwritings.

**Key words:** Afshana, “Tib qonunlari”, Abu Ali ibn Sina’s great works, Nukh ibn Mansour.

*Ўрта Осиёнинг буюк алломаси, энциклопедист, шоири ва муסיқачиси ҳамда буюк табиби Абу Али Ҳусайн ибн Сино катта истеъдод эгаси эди. У ренессанс даврининг йирик вакилларида бири эди. Ундаги қобилятнинг ўткирлиги, кўп фанлар сирларини, шу жумладан, таъбабатнинг турли соҳаларини билишга олиб келди.*



Date: 29<sup>th</sup> May-2026



Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолига назар ташласак. Отаси Абдуллоҳ ибн Хасан асли Балхлик эди. Нух ибн Мансур замонида Бухорога кўчиб келади ва у даврда Бухоро атрофидаги Хурмайсан (ҳозирги Ромитон) деган қишлоғида маъмурий ишларга бошчилик қилган. Унинг яқинида Афшона деган қишлоқ ҳам бўлган. Отаси шу қишлоқдан бўлган Ситорага уйланади ва шу ерда туриб қолади. 980-йил 18-июнда ибн Сино туғилади, кейинроқ укаси Махмуд дунёга келади. Сўнгра улар Бухорога кўчиб келади. Жуда ёшлик давриданок ибн Синодаги ўткир қобилият яққол кўзга ташлана бошлайди. Унда илм-фанга муҳаббатнинг пайдо бўлишида отасининг ўрни ғоят катта бўлган. Отаси анча бадавлат кишилардан бўлган ва молия-солиқ идорасида хизмат қилган. У ўғлининг ҳар тарафлама чуқур билим олиши учун ғамхўрлик қилди, муаллимлар ёллади, уйда барча шарт-шароитларни яратиб берди. Бунинг натижасида ибн Сино 10 ёшида “Қуръонни Карим”ни ёд олди ва адаб (стилистика, грамматика, поэтика) илмини ўрганади. Ҳар бир ғиёҳнинг

турк, араб, форс тилларидаги номи ва қандай касалга шифо бўлишини билган.

16 ёшида Абу Абдуллоҳ Ҳотилийдан фалсафани, ҳинд ризоворфуруш савдогардан ҳинд ҳисобини, Исмоил Зоҳиддан фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги)ни ўрганди. Ҳотилийдан "Исоғужӣ" (Исагоғи – Парфирийнинг мантиқга доир асари) китобини, Уклудус (Евклид – эрамизгача 355-315-йилларда яшаган қадимги юнон математиги) китобини, "Фусус" (файласуф Фаробийнинг "Фусус-ал-ҳакам") (Фалсафанинг қимматбаҳо тошлари) китобини, табиат ва илоҳиётга оид шарҳларни ўрганиш билан шуғулланган.

Ибн Сино учун илм эшиклари очила бошлади. Тиббиётга доир илмларга қизиқиб, унга оид китобларни ўқишга киришади. Қисқа муддат ичида фанда жуда илгарилаб кетди. Энди ҳатто билимдон табиблар ҳам унинг ҳузурига келиб, тиб илмидан сабоқ оладиган бўлдилар. Ибн Синонинг асосий муаллими китоб эди, уни олим ёшлигидан дўст тутарди. 20 ёшида

оламга машҳур табиб бўлиб танилади.

Бухоро подшоҳи Нух ибн Мансур касал бўлиб қолади. Бу даврда ибн Сино табиб даражасида элга танилиб қолган эди. Табиблар билан бирга подшоҳни даволайди ва шохдан кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга рухсат сўрайди. Олим бу кутубхонада қарийб 10 йил, яъни то Хоразмга кетганига қадар ишлаб илмини чуқурлаштирди. Ушбу кутубхонада "шундай китобларни кўрдимки", деб ёзган эди ибн Сино ўзининг "Таржимаи ҳол"ида, кўпчилик ҳатто уларнинг номини ҳам билмайди. "Мен бунақа китобларни бундан аввал ҳам, кейин ҳам кўрган эмасман. Мен ўша китобларни ўқидим ва ўзим учун кўп фойда олдим, ҳар бир олимнинг илм-фандаги ўрнини англадим" <sup>1</sup>. "Ёшим 18га борганда бу илмларнинг ҳаммасини эгаллаб бўлган эдим. Ўша кезларда илмни кўпроқ ёдда сақлаб қолар эдим, ҳозир эса илмим кўпроқ етилган, аммо билим – битта ва ўшандан бери менда янги бир нарса қўшилгани йўқ" <sup>2</sup>, - деб ёзади. Ибн Сино

Date: 29<sup>th</sup> May-2026



21 ёшида "Ал-Мажму"(Тўплам)ни тузиб чиқади. Абу Бакр ал-Баракий деган кўшнисига "ал-Ҳосил ва ал-маҳсул", "Китоб ул бирр ва-л-исм" (Саховат ва жиноят ҳақида китоб) ҳам ёзиб берган. 1002-йил ибн Сино 22 ёшида отаси вафот этади. Султон ҳузуридаги вазифалардан бирини ўз зиммасига олади ва зарурат юзасидан Бухорони тарк қилишга, Гурганж (Хоразм ўлкасининг қадимги пойтахти, ҳозирги Урганчдан жануброқда жойлашган) томонга кўчишига тўғри келади. Бу ерда у 7 йилга яқин истиқомат қилади. Абу Али ибн Сино 25 йил мобайнида Гурганчда (1012-1014), Райда (1014-1015), Ҳамадонда (1015-1023), Исфажонда (1023-1037) йилларда истиқомат қилди, ижод этди. У тинмай меҳнат қилаверди., касалларни даволади, шогирдлари билан шуғулланди, бутун умри давомида тўплаган материалларини жамлади, "Китоб аш-Шифо", "Қонун", "Ҳайй ибн-Яқзон", "Донишнома" китобларини яратди. Унинг иш куни тартиби тўғрисида шогирди бундай деб ёзган эди: "У (ибн Сино) тонг отмасдан уйғонар ва "Китоб аш-Шифо" устида ишлар эди, тонг отгач эса шогирдларини қабул қиларди. Эрталабки вақти шогирдлари билан банд бўларди. Бу пайтда ҳовли беморлар билан гавжум бўларди. Ибн Сино то пешин номозигача шогирдлари билан машғуллот ўтказар эди..."<sup>3</sup>

Табиб қай шаҳарга келмасин ундан шифо топган беморлар дуоси унинг муборак номини элга ёяди, халқ уни севиб ардоқлайди, ҳукмдорлар машҳур табибни ўз ҳузурида сақламоқни хоҳлайдилар. Ҳамма учун энг азиз бойлик саломатликдир. Шайх Абу Али қудратли саломатлик посбони сифатида бу бойликни сақламоққа кодир зўр куч эди.

Табиб учун Шоҳ ва гадо баробар. У қаерда бўлмасин беморларни даволаш билан банд. Унинг қўлидан ўтган беморлар кўпинча шифо топадилар. Моҳир ва билимдон табибнинг шифобахш даволари, енгил қўли энг оғир касалларга ҳам даво топа олиши тўғрисида эл оғзида ҳикоялар ёйила борди. Шайх Абу Али табиб, олим, фозил бир шахс сифатида афсонавий қаҳрамонга айланиб борди.

Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино фаннинг турли соҳалари бўйича 456 асар ёзган. И.Каримов, А.Ўринбоев, Б.Ваҳобоваларнинг хабар қилишларича шулардан икки юз қирққа яқин асарлари бизгача етиб келган.

Улуғ табиб Журжонда экан пайтида ўзининг шоҳ асари "Тиб қонунлари"ни ёза бошлаган эди. Бу асарга оид маълумотларни у ўзининг самарали даволаш фаолияти давомида муттасил йиғиб борди. Бу китобда кўрсатилган навбатдаги масалаларга кўчиш олдида табиб кундалик тажрибасида орттирган билим ва тажрибалари билан олдин ёзилган бобларни тўлдириб борар эди. Олим "Тиб қонунлари" билан бир вақтда бошқа асарларини ҳам ёзишга вақт топар эди. Шайхнинг иш қобилияти ҳаддан ташқари баланд бўлган. У бир кунда эллик саҳифача ёзар эди. Шогирди Жузжонийнинг ёзишича ибн Сино ёзаётган асарларини ҳеч қандай китоблардан фойдаланмасдан ёзган. Ёзганларининг ҳаммаси юксак илмий савияда, мазмунан чуқур, шаклан мукамал асарлар эди. Шайх "Ашшифо" китоби устида ишлар эди. У ғоят тез суръат билан ёзади. Жузжоний аранг қоғоз тайёрлаб улгулар эди. Шайх олдин бир-икки кун давомида бўлажак китобнинг

Date: 29<sup>th</sup> May-2026

мундарижасини тайёрлайди, сўнг ўшанга қараб-қараб ҳар бир бобни ёзишга киришади.

Шундай қилиб, Ҳамадонда Шайх Абу Алининг "Ашшифо" асарининг уч бўлаги ёзилди.

Бир ривоятда айтилишича, Ибн Сино илм ўрганиш учун узоқ шаҳарлардан бирига боради. Бозорда айланиб юаркан нотаниш бир кимсани кўриб унинг елкасига чанг солади. "Сен гўдаклик пайтимда уйимизга

бостириб кириб, бешигим устидаги зархал ёпинчикни ўғирлаб қочгансан", дея уни қозихонага судрайди. Ҳалиги киши эса аввалига ҳеч нарсга эслолмайди. Ниҳоят, суриштириш натижасида у киши 20 йиллар муқаддам аскарликка ёлланиб Бухорога боргани, ўша ерда сафдошлари билан тинч аҳолининг уйлари талаганликларини тан олади. Бу эса буюк бобоколониимизнинг кучли хотирага эга бўлганлигидан далолатдир.

Кейинчалик олим Исфохонда бу китобнинг ҳайвонотга ва ўсимликларга оид бўлақларини ёзиб чиқди. Улар "Алҳайвон" ва "Аннаботот" деб аталади. Ҳайвонотга оид бўлақни Аристотел асарларига қиёс қилиб керакли жойларини тўлдирди. Шу йўсинда "Ашшифо" китоби юзага келди. Бу Шоҳ асарни ёзиб тугатганида Шайх Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Синонинг ёши қирқда еди.

Кунлардан бир куни ибн Синонинг боши оғриб қолади. Бошига музни майдалаб, латтага ўраб, у билан бошини ёпиб қўяди. Натижада тузалади.

Хоразмда сил касали билан оғриган аёлни тутқаноқ, юрак, ақли норасо кишиларни ва бошқа жуда кўплаб касалларни даволайди. Ибн Синонинг даволаш усулларида омма орасида кенг тарқалганларидан бири ҳақида сўз юритмоқчиман. Шамоллаганда, томоқ оғриб қолганда, иситма қилганда шундай тавсия қилган. Уч қошиқ қатикни пиёлага солинади. Тўлгунча қайнаб турган сувни солиш керак ва иссиқлигида ичилади. Бу яхши самара беради.

Ҳамадон подшоҳи Шамсуддинларга вазирлик ҳам қилади. Вазир Абу Али Ўз одатига кўра чин садоқат ва масъулият билан ишлайди. Даставвал молия ишларини тафтиш қилади ва саройдаги товламачилик ишларини фош қилади. Бу еса ўзига кўплаб душманлар орттиришга сабаб бўлади. Ибн Синога пул учун душманлик қилувчилар ҳам топилади.

Оғир дарбадарликда ўтказилган ҳаёт, илмий асарлар устидан тиним билмай ишлаш, ўз вақтида дам олмаслик олимнинг соғлиғига путур етказди. Ибн Сино ҳижрий 428-йил рамазоннинг 1-куни (1037-йил 18-июнда) 58 ёшида вафот этди. У ўз ўлими олдида барча мол-мулкни камбағал, бева-бечораларга тақсимлаб берди. Ўлими олдида "Биз ўламиз, аммо ўзимиз билан бир нарсани, ҳеч нарсга билмаслигимизни олиб кетамиз",-деган еди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁЛАР:**

1. Тарихдан сабоқлар.  
Бўрибой Аҳмедов. Тошкент ўқитувчи 1994-й



Date: 29<sup>th</sup> May-2026

2. А.Р.Беруний  
Аби Али ибн Сино.
- 3.Азиз Қаюмов  
Издательство Ёш гвардия 1987
4. Абу Али ибн Сино  
Шеърлар ва тиббий дostonлар. Ўзб. Тошкент – 1981
- 5.Журнал “Обш Наука в Узб “ №8-9 1980 г
6. А. Ирисов .” Аби Али ибн Сино“
7. Журнал Гулистон(Тошкент) №6 1980 й

